



Ислом Нури

Аллоҳ бизга ота-онамиздан ҳам меҳрибон.

Кенг раҳмати сабабли ҳам тавба эшикларини ҳамма учун очиқ қилган.

Банда қанча куфр ва ширк келтирмасин. Гуноҳларни ҳамма турин қилмасин Аллоҳнинг раҳматига киришга қодир. Унинг тавба эшиги очиқ. Сўзларимнинг тасдиғи ўлароқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бир қария ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни келтираман.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қошига кексалик белини дол қилган, сочларини тўкиб, тишларини қоққан чол оёқларини зўрға судраб ҳассага суяниб келди. Узоқлардан, кўзларини тўсаётган киприклари орасидан йўл қараб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келганида қалтироқ овозда сўзлади:

– Эй Расулуллоҳ, бир киши гуноҳларни кўп қилган. Кўп қилганда ҳам ҳеч турини қўймай қилган. Гуноҳларини бутун инсониятга тақсимланса, ҳаммасини бадбахт қилишга кифоя қилади. Шундай одамнинг тавбаси қабул бўладими?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини кўтариб қарияга тикилдилар. Ёши бир жойга бориб бели букилибди. Гуноҳлар иликларининг қувватини олиб, юзидан нурни ўчирибди.

– Исломга кирдингизми?

– Мен Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, сизни Аллоҳнинг элчиси эканингизга гувоҳлик бераман!

– Яхшиликлар қиласиз, ёмонликлардан тийиласиз. Аллоҳ сизга ўша гуноҳларни барчасини яхшиликка айлантириб беради!



Ислом Нури

- Хиёнатларим, бузукликларимни ҳам-а?!

- Шундай!

- Аллоҳу акбар!.. Аллоҳу акбар! .. Аллоҳу акбар!..

Такбир айта-такбир айта кўздан ғойиб бўлди.

Бу ҳикояни Табароний ва Баззор ривоят қилган.

Ўтга ташлайсанми?

Аллоҳнинг ота-онамиздан меҳрибонроқ экани ҳақида бошқа ҳикоя.

Бу ҳикоямиз Бухорий ва Муслим Саҳиҳ тўпламларида келган.

Ҳавозин жанги тугаганидан сўнг кофирларнинг оила ва бола-чақалари келтирилиб, бир жойга жамланди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга боқиб туриб бир ажабланарли ҳодисани кўрдилар. Ҳавозин аёлларидан бири тутқунлар орасини кезарди. Гоҳ ўнга, гоҳ сўлга боқарди. Дуч келган гўдакни қўлига олиб кўрарди. Узоқ айланди. Бировнинг раҳми келса, биров турткиларди. Айлана-айлана охири бир гўдакни қўлига олдию, маҳкам қучоқлаб бағрига босди. Ўтириб анчадан бери эмизмагани учун тўлиб кетган кўкрагини тутқазди. Гўдак ҳам дарров йиғини йиғиштириб эмишга тушди.

Бўлган воқеадан таъсирланиб турган саҳобаларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзланиб сўрадилар:



Ислом Нури

- Нима дейсизлар, шу она фарзандини ўтга ташлаши мумкинми?

Тасаввур қилинг шундай муштипар она ўз фарзандини кимлардир ёниб турган оловга ташламоқчи бўлишса, бунга бефарқ қараб тура оладими?! Шунга рози бўладими?! Албатта саҳобаларнинг жавоби инкор бўлди: - Йўқ, эй Расулуллоҳ! Бундай қилиши асло мумкин эмас!

- Шунини яхши билинглар: Аллоҳ бандаларига мана бу аёлнинг фарзандига кўрсатаётганидан ҳам меҳрибонроқдир!
